Ушбу сонда:
2 ОҚСОҚОЛ у қандай бўлиши керак?
3 TV — ДАСТУРИ
4 *Халқ оғзаки ижоди* ЧАНҚОВУЗНИ ЧАЛГАН ҚИЗ

*Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.*

*Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.*

*Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг V-боб 21 моддаси.

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. OLIY BAXT
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 31 октябр, жума № 169 (1594)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## *Ўзбекистон Конституцияси яшамоқда, амал қилмоқда*

***Мустақиллигимиз пойдевори, Истиқлолимиз рамзи бўлмиш конституциямиз асрлар бўйи чинаккам озодлик орзусида яшаб, курашиб келган халқимизнинг ёрқин ҳаётга, буюк келажакка кафолат берувчи ҳужжатидир. Унда аждодларимизнинг эзгу нияти, демократик, ҳуқуқий, адолатли давлат барпо этиш йўлидаги ёрқин умидлари ўз аксини топган. Халқимиз ҳаётининг мазмунига айланган Асосий Қомусимиз барча халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ келади.***

***Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Бош Қомус пойдеворини ташкил этади. Конституциямиз моҳияти, у яшаётганлиги ва амал қилаётгани хусусида Шофиркон туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Карима Қудратова мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:***

### Каштачи Ҳилола Тўқсонова:

# «БАХТЛИ ЮРТ АЁЛИМАН»

– Ҳар қандай давлатнинг Конституцияси аввало унда истиқомат қилувчи халқ иродаси, манфаатлари, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида акс эттиради. Адолатли жамият барпо этилаётган Ўзбекистонимиз Конституциясида ҳам дунёвий неъматлар улуғи – инсон, унинг оиласи, соғлиги, ҳақ-ҳуқуқлари, бурчи ўз ифодасини топган..

Жамиятнинг устуни бўлмиш оила масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Оила тинч-тотувлиги, мустаҳкамлиги жамият ривожида муҳим аҳамият касб этади. Конституциямизда оилага оид алоҳида боб ажратилганида рамзий маъно бор. Унинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» дея эътироф этилган. Мамлакатимизда оила манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши, Оила Кодексининг қабул қилиниши, шунингдек, оила илмий амалий Марказининг ташкил этилиши унга қанчалик эътибор берилаётганлигининг амалий намунасидир. Оила Кодекси оилаларни мустаҳкамлашга, соғлом авлодни вояга етказишда, эр-хотин, ота-она ва болалар ҳамда қариндошлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Унда миллий қадриятларимиз, қадимий анъаналаримизнинг энг яхши намуналари ўз аксини топган.

Маънавий баркамол инсонлар тинч-тотув, аҳил, имон-эътиқодли оилалардан етишиб чиқади. Ватанга муҳаббат, миллат ва халққа содиқлик оилага муҳаббатдан бошланади. Туманимизда 27 мингдан ортиқ оилалар мавжуд. Томчида қуёш акс этганидек, айни дамда улар Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Айниқса, оила иқтисодини яхшилайдиган, ёшларга меҳнат кўникмаларидан сабоқ берадиган кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. 200 нафардан ортиқ аёл тадбиркор туманимиз иқтисодини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу борада катта муваффақият қозонган Зуҳра Облобердиева фаолияти диққатга сазовор. У дастлаб 6 аёл билан каштачиликни йўлга қўйган эди. Самарали меҳнати туфайли тез орада республикамизда танилди. Зуҳрахон 2002 йилда тадбиркорларнинг республика кўрик-танловида қатнашиб, ғолиб бўлди. Унинг саъй-ҳаракати билан ҳамқишлоқларидан 100 дан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Каштачи қизимиз Ҳилола Тўқсонова «Мен бахтли юрт аёлиман» деб номланган кўргазмада қатнашиб биринчи ўринни эгаллади. У 15 нафар хотин-қизга миллий каштачилигимизнинг сирларини ўргатди.

Бобур номли жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Саида Қодированинг тадбиркорлик соҳасидаги ишлари ҳам мақтовга сазовор. У меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида меҳрибонлик қилишни ўз фаолиятининг мезони деб билади. Саидахон икки йил олдин «Нодирбек» хусусий фирмасини ташкил этиб, ёш қизларга зардўзлик сирларини ўргатиб, уларни ҳунарли қилишга бел боғлаган эди. Айни кунда 30 дан ортиқ қизлар чевар бўлдилар.

Бозор иқтисодиёти биздан тадбиркорликни, бир сўм сарфлаб тўрт-беш сўм топишни талаб этаётган экан аёлларимиз биринчи навбатда ўз ҳақ-ҳуқуқларини биладиган тадбиркор бўлишлари зарур. Бунинг учун барча шароит муҳайё.

**А.ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА





Т.МАҲКАМОВ олган суратлар

Наманган вилоятидаги «Поп-ФЕН» ўзбек-турк қўшма корхонасига йўлингиз тушса, чет эл дастгоҳларини моҳирлик билан бошқараётган йигит-қизларни кўриб ҳавасингиз келади.

Корхонада улар Турк оғалар билан опа-сингил, ака-ука бўлиб, меҳнат қилишмоқда. Замонавий ошхона мавжуд, ишга келиб кетиш учун транспорт ажратилган.

Экспорт ҳажми 2 миллион 627 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йили бу кўрсаткич шу даврда 1 миллион 920 минг АҚШ доллари миқдорида эди. Бу борада 137,6 фоиз ўсишга эришилди. Хорижга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 81 фоизга етди.

***Суратда: илғор ишчи Г.Нурматова***

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик алоқалари кенг ривожланиб бормоқда. Бундай алоқалар, жумладан, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу ҳамкорликнинг амалий натижаларидан бири сифатида АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Хавфни камайтириш агентлиги томонидан «Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик» халқаро дастури доирасида юртимизга кўрсатилаётган беғараз ёрдамни таъкидлаш жоиз.

## ҲИМОЯ ВОСИТАСИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари ўртасида мудофаа муносабатлари ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида 2001 йилнинг 5 июнида имзоланган шартномага мувофиқ, ўтган йилнинг июлида «Оммавий қирғин қуроли билан боғлиқ можароларда ҳаракат қилиш» халқаро дастури доирасида АҚШ Мудофаа вазирлиги, Федерал қидирув бюроси томонидан Ўзбекистон Қуролли кучлари тизимларига оммавий қирғин қуроллари ва хавфли моддалар билан ишлаш учун мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар берилган эди.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, яқинда АҚШ томонидан мазкур вазирлик қидирув-қутқарув кучларига умумий қиймати 58179,5 АҚШ долларига тенг кимёвий ҳимоя воситалари ҳам топширилган.

**(ЎзА)**

### *Экология, саломатлик кунлари*

***«Оролбўйи оналари ва болаларига» шиори остида ўтказиладиган экологик шанбаликда Сирдарё вилоятида юз мингдан зиёд киши иштирок этиш истагини билдиришяпти.***

# ОРОЛБЎЙИ ОНАЛАРИ ВА БОЛАЛАРИГА

Мана олти йилдирки, мамлакатимизда экологик ва саломатлик кунларини ўтказиш одат тусига айланди. Бу кунни нафақат ҳашар, балки табиат байрами, қолаверса, атроф-муҳит мусаффолигини англаш куни деб айтиш ҳам мумкин. Тадбир замирида она табиатнинг ардоғи яққол сезилади. Ҳашарда касаба уюшма вакиллари ҳам фаол иштирок этишиб ишлаб топилган маблағларни «Экосан» халқаро жамғармаси ҳисобига ўтказишга қарор қилганлар.

– Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан шу йилнинг 1 ноябр куни юқоридаги шиор остида ҳашар ўтказилиши касаба уюшмалари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди, – дейди Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари Қаршибой Эшназаров. – Барча тармоқ қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари етакчилари аҳолига экологик ва саломатлик кунларининг аҳамияти ҳақида тўла тушунча беришга интилишяпти.

Қатор жамоаларда бажариладиган юмушлар режалаштирилиб қўйилди. Шу куни ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратилиши кўзда тутилган. Ҳудуддаги дов-дарахтларга шакл бериш, кўчатлар ўтказиш, ток ва боғзорларда кенг кўламдаги ишлар бажарилади. Янги дарахтзорлар барпо этиш ҳам мўлжалланган. Меҳнат жамоалари ўзларининг ишлаб-чиқарган маҳсулотларидан келадиган бир кунлик фойдани ёхуд бир кунлик иш ҳақларини «Экосан» жамғармаси ҳисобига ўтказишга розиликларини билдиришди. Хусусан «Сирдарёавтойўл» бирлашмаси, «Лола-модел», «Luresa-фармсаноат» корхоналари, Гулистон ёғ-экстракт ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилотлари ташкилий ишларга ҳозирданоқ тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Таъкидлаш жоиз, экологик муаммоларга қарамай мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий-иқтисодий фаровонлик даражасида юксалиш бор. ЮНИСЕФнинг «2003 йил ижтимоий мониторинг», тадқиқотлари натижасига кўра ҳам дунё ҳамжамиятида нуфузли ўринда эканлигимизни эътироф этиш даркор. Ўзбекистонда болалар ўлимининг умумий даражасини пасайтиришга эришилди. Юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш борасида нафақат МДҲ, балки қатор Европа давлатларидан ҳам олдинги ўринларда боряпти. Кўриниб турибдики, инсон омилига эътибор ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида. Экология ва Саломатлик кунларининг босқичи бу борадаги амалий ишларимизнинг бир қисмидир.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ДЕНОВ ТУҲФАСИ



Денов тумани пахтакорлари 41 минг тонналик хирмон уйиб, йиллик шартнома-режасини бажарди. Улар бу йил асосий майдонларга «Оққўрғон-2», «Наманган-77» навли уруғларни қадаган эди. «Денов» нави ҳам синовдан муваффақиятли ўтди.

**(ЎзА)**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАР АРАФАСИДА

АҚШ президенти Жорж Бушнинг сиёсий ёрдамчилари янаги йилда бўладиган президентлик сайловларига жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Куни кеча мазкур гуруҳ янгича бир хулосага келди. Ёрдамчиларнинг фикрича, янаги йилда президентлик сайловларида Ж.Бушга Вермот штатининг собиқ губернатори Говард Дин рақиблик қилиши мумкин. Чунки, демократ-даъвогарлар орасида Г.Дин ўзига хос йўл тутиши билан ажралиб чиқди. У яқинда ўз тарафдорларидан иборат оммавий ташкилот тузди. Боз устига Интернет орқали жуда катта маблағни жалб этишга муваффақ бўлди.

## ҚИЗИЛ ХОЧ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Халқаро Қизил Хочнинг Бағдоддаги бош қароргоҳи биноси олдида катта фожеа юз берди. Террорчи фидойи-камикадзе амалга оширган бешта портлаш ҳаммани саросимага солиб қўйди. Оқибатда 40 киши қурбон бўлди, 200 га яқин одам жароҳатланди.

Қизил Хоч ўзининг 140 йиллик тарихи давомида бундай бедодликка учрамаган эди. Шу боис Қизил Хоч раҳбарияти ўзининг хориждаги ходимларини Ироқдан чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундай ҳолатдан оддий одамлар таассуф билдириб, террорчиларнинг қилмишидан дарғазаб бўлмоқдалар, деб хабар беради Би-би-си ахборот агентлиги.

## УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Коммунистлар келажакдан умидларини узмаганлар чоғи. Эндиликда улар узоқни кўзлаб хатти-ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилган сайловда Болгариянинг собиқ коммунистик партияси вакиллари катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар сайловчиларнинг 33 фоиз овозини олишга муваффақ бўлдилар. Эндиликда оммавий ахборот воситаларининг шарҳчилари 2005 йилда бўладиган умумхалқ сайловларида собиқ коммунистлар биринчи ўринга чиқишлари эҳтимолдан ҳоли эмас, деб ҳисобламоқдалар.

## БЕЛЬГИЯДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛДИ

Яқинда Брюссел полицияси ўзини «Чечен таймс» газетасининг муҳаррири ҳамда «Ичкерия мустақиллиги учун курашчи» деб таништирган кимсани ҳибсга олган эди. Хорижликларнинг ёпиқ марказига жойлаштирилган «муҳаррир» нинг ҳақиқий исми-шарифи Саид Хачукаев эканлиги маълум бўлди.

С.Хачукаев Чеченистондан қочганидан сўнг, Грузияда, кейинроқ эса Германияда яшириниб юрган экан. Унинг Брюсселга «Чечен журналистларининг конгресси»ни ўтказишга келганлиги ҳам ошкор этилди. Бошқа мухолифатчи Аҳмед Закаев, муҳожирликда юрган қочоқлар, ҳатто, Европарламент депутати Барт Стааслар ҳам С.Хачукаев орасига тушмоқчи бўлдилар. Аммо бу хатти-ҳаракатдан фойда чиқмади. Бор-йўғи бир неча соатдан сўнг С.Хачукаев махсус агентлар кузатувида Бельгиядан чиқариб юборилди. Эндиликда унинг Интерпол хизматчилари қўлига тушиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

## БОЛА ЎҒРИЛАРИ ҚОРА КУРСИДА

ХХР тарихида камдан-кам учрайдиган катта суд жараёни бошланди. Қора курсида ўтирган жиноятчилар болаларни ўғирлаш билан шуғулланганлар. 68 нафар айбдордан 11 нафари тиббиёт ходимлари экан. Мамлакатнинг Гуанси-Чжудан мухтор туманида иш кўрган жиноятчилар она кўкрагидан ажрамаган 147 нафар гўдакни чет элга сотиб юборганликларига иқрор бўлдилар.

## ОЛТИ ЁШДА ТОҒ ОШИБ

Англиянинг Дорсет графлигида яшайдиган 6 яшар бола баланд тоғ ёнидаги қояга тирмашиб, 45 метр баландликка кўтарилди. Кейин у на юқорига чиқаолди, на пастга тушаолди. Ўтган-кетганлар уни йиғлаб турган ҳолатда кўриб қолиб, вертолёт чақирдилар. Ниҳоят Чармут автобекатига қўнган вертолётдан тушган соҳил қутқариш хизматчилари болакайни ота-онасига топширдилар. Бола азият чекмади, деб хабар берди «Anonova com»

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

### *Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

***Ижтимоий шерикчилик тамойилларини изчил амалга ошириш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, касаба уюшмаларининг жамиятимиздаги ўрни, мавқеини янада мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этаётир.***

# КАСАБАҚЎМ РАҲБАРГА МУТЕ БЎЛГАЧ

## ноқонуний буйруқлар кўпаяверади

Мақсадга эришишда бошқарув органлари, маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва бу борадаги синалган услублардан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари кўп. Бироқ айрим ҳолларда «мен раҳбарман, айтганим-айтган» қабилида иш юритилиши натижасида нафақат ишлаб чиқариш завол топмоқда, балки меҳнат аҳлининг ишдан кўнгли совимоқда.

Энг ачинарлиси, бундай нохуш воқеаларни касаба уюшма раиси кўрсаю, ўзини билмасликка олса, ишчи манфаатини ҳимоя қилиш ўрнига ўзини четга тортса ва ҳатто уни бўшатишда ўзи ташаббус кўрсатиб турса, бундан-да ёмони бўлмаса керак.

«Самарқандавтойўл» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Каттақўрғон тумани автомобил йўллари бошқармасида меҳнат қонунлари кўр-кўрона бузилаётганлиги, собиқ раҳбарнинг қонунларни назар-писанд қилмасдан иш юритганлиги боис юқоридаги каби ҳолат юзага келди. Корхонада кўплаб талон-тарож ва қўшиб ёзишлар илдиз отгани вилоят прокуратурасининг коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлимининг 2002 йил январдаги ҳужжатларида, ҳамда масъулияти чекланган «Илзари» аудиторлик фирмаси томонидан корхона молия-хўжалик фаолияти бўйича банк ва касса муомалалари, тўлиқ материал ҳисоботлари саралаб текширилганида кўринди-қолди.

Аслида ноқонуний ишдан бўшатишга бир ярим йил аввал бўлиб ўтган тафтишнинг нима дахли бор, деган ҳақли савол туғилиши ҳам мумкин. Бўлмаса, эшитинг.

Таҳририятга шикоят-ариза йўллаган Неъмат Маҳмудовнинг битикларида шундай жумлалар бор:«... йигирма уч йилдан буён Каттақўрғон автомобил йўллари бошқармасида турли лавозимларда ишлаб келаман. Меҳнат фаолиятимда бирор марта танбеҳ олмаганман, аксинча, маъмуриятдан рағбатлар кўп бўлган. Шундан бўлса керак, сўнгги беш йилда раҳбарият тавсиясига кўра корхона бош муҳандиси вазифасида ишладим. Ишлаб чиқариш ва режалар кўнгилдагидек эди. 2002 йил 11 мартда корхона бошлиғи О.Жалилов муҳандислик ишлари ва ҳужжатларни ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи А.Саидовга топширишимни буюрди ва вилоят бошқарма бошлиғига бориб учрашишимни айтди. У ердагилар эса бугун келинг, эртага келинг деб роса ўн кун овора қилишди. Охири - сабабсиз иш қолдирган деб, ишдан бўшатилганлик тўғрисидаги буйруқ нусхасини қўлимга тутқазишди...»

Орадан бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ишлаб ўрганган, боз устига, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишни яхши билган Н.Маҳмудов ана шу даврда кўп ташкилотларга, шу жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича Темирйўл туманлараро судига ҳам мурожаат қилди. Бахтга қарши бу ерда ҳам у кутган натижа бўлмади: аниқроғи, суд корхона касаба уюшмаси қарорини рўкач қилиб, буйруқ тўғри чиқарилганлигини таъкидлашдан нарига ўтмади.

Биз соҳа мутасаддиларига нисбатан бирор салбий фикр билдиришдан йироқмиз. Аммо бизни бошқа бир нарса ажаблантирмоқда. Корхона касаба уюшмасининг йиғилишидан кўзланган мақсад аввало нима эди, жамоа аъзолари Н.Маҳмудов сабабсиз ишга келмаётганлиги учун нега иш берувчига эмас, балки касаба уюшмасига мурожаат этишди? Қолаверса, Меҳнат қонунларида ходим сабабсиз иш қолдирганлиги учун унга биринчи марта хайфсан эълон қилиш, агар бу ҳол тез-тез такрорланаётган бўлса, шу қонунда белгиланганидек уни ишдан бўшатишга - яъни меҳнат шартномасини бекор қилиш учун иш берувчи касаба уюшмаси аъзолари розилигини сўраши кераклиги аниқ-равшан кўрсатилган-ку! Ваҳоланки, шунча йилдан буён ҳалол меҳнати билан корхона қаддини тиклашга, жамоа мулкини авайлаб-асрашга интилган бош муҳандис нафақага чиқишга икки йил қолганда корхона раҳбарининг асосли буйруғи билан эмас, касаба уюшмаси қарори хулосасига кўра севган касбидан четлатилиб, ишдан бўшатилганлиги наҳотки ҳеч кимни, ўйлантирмаган бўлса?

Қўлимизда Н.Маҳмудовга дахлдор меҳнат дафтарчаси. Дарвоқе, у ишдан бўшатилганига анча вақт ўтганлигига қарамай ҳамон сабабсиз корхона кадрлар бўлимида сақланмоқда. Шундай қилиб – йигирма уч йиллик меҳнат фаолияти ёзилган дафтарча. Унинг варақларида меҳнатлари эвазига битилган миннатдорчиликлар, аммо... сўнгги сатрларни ўқиган киши ҳайратдан лол қолиши турган гап.

*(Давоми 2-бетда)*

*"Дўстлик" ордени соҳиби*

# МАТБУОТЧИЛАР ҲАМКОРИ

Истиқлолнинг 12 йиллиги байрами «Бухоро почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Хосият опа Жалилова учун қўшалоқ шодиёнага айланди. У Президентимиз Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ўша кунни ҳеч унутмайди. Ишдан эндигина қайтиб келган эди, бехос телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан таниш овоз эшитилди.

– Опа, янгиликдан хабарингиз борми? Сизни «Дўстлик» ордени билан мукофотлашибди.

Хосият опанинг уйи бир зумда меҳмонларга тўлиб кетди. Даставвал турмуш ўртоғи Ғойибназар ака Матчонов, сўнгра суюкли ўғли Нодиржон, келини Наргизахон, қўни-қўшнилар, ука-сингиллар кириб келишди. Меҳнатлари шу даражада қадр топганидан Хосият опа ўзини қўйгани жой топа олмади. Айниқса, ёру биродарларининг қувончидан ўзини бахтиёр ҳис этарди.

Эртаси куни кўча-куйда, ишхонада ҳам табригу қутловлар давом этди. Ҳамкасблари Нина Александровна, Татяна Михайловна (рус), Лариса Аскаровна (яҳудий), Анжела Касимхонова (лезгин), Халиса Элназарова (татар), Амрулло Шоймов (турк)лар унинг қувончига шерик бўлишди. Ахир, у 10 дан ортиқ миллат фарзандлари бошини қовуштириб, яхши-ёмон кунларига суянч ва таянч бўлгани учун шундай мукофотга эришди-да! Минг кишилик жамоага бош-қош бўлиш осон эмас. Унинг ўзига хос муаммолари ҳам бор. Уларни бирма-бир ҳал қилмасдан туриб, кўзланган ютуққа эришиб бўлмайди. Буни Хосият опа яхши билади. Устозларидан олган бу сабоқларни. Устозлар сабоғи эса инсонни комиллик пиллапоялари сари етаклайди. Хосият опа буни мудом ёдда сақлайди.

У олийгоҳни муваффақиятли тамомлаб, қадрдон шаҳри Бухоро телеграф-алоқа боғламасининг муҳандиси сифатида иш бошлаган биринчи кунларидаёқ устозлар ўгитини амалиётда қўллаб, жамоа эътиборига тушди. Изланувчан, ташаббускор аёл шаҳар почтасининг бошлиғи, вилоят алоқа бошқармасининг бошлиқ ўринбосари вазифаларида ишлади. 1992 йилдан эътиборан эса раҳбар.

Хосият опанинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан туманлардаги почта боғланмасига қарашли бинолар деярли янгидан қурилди. Кўплаб замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Нафақа тўловлари ҳисоб-китобини назорат қилиш юзасидан тўпланган бой тажрибаси республикада оммалаштирилди.

Муҳими, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди. Ўтган ярим йилда 653700 та хат, 25140 та пул жўнатмаси, 859 та посилка ўз вақтида манзилларига етказилди. 160 минг нафақахўрга, юз минг обуначига хизмат кўрсатилди. Биргина хат ташиш учун 380 ходим бириктирилган. Ҳиссадорлик жамияти 116 та марказий газета, 124 та журнал, 36 номдаги вилоят ҳамда туман газеталарини обуначиларга ўз вақтида етказиб бераётир.

2004 йилги обуна мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Айни кунда обунани ташкил этиш ва уни ўтказиш юзасидан тегишли топшириқлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Халқ оғзаки ижоди*

***Жанубий Ўзбекистон достончилиги ҳақида фикр юритганда «Келиной» достони ҳақида тўхталмасдан иложимиз йўқ. Чунки бу ҳудудда достондан бирор парча билмайдиган бахшини топиш қийин. У ҳар бир хонадонга кириб борган.***

# ЧАНҚОВУЗНИ ЧАЛГАН ҚИЗ

Достоннинг юздан ортиқ вариантлари фольклоршунос олим А.Қаҳҳоров томонидан ёзиб олинган ва таҳлил қилинган. Биз эса Қодир бахши репертуаридаги «Норгулой» варианти ҳақида фикр юритсак.

«Норгулой» достони Қодир бахши тилидан «Ўтган замонда Оқбош товдан тубанда, Оқбет товнинг устида, Гала деган жой бўлиб, у ерда Шукуралибой деган катта бой яшар эди», – деган эпик бошлама билан бошланади. Чунки асарнинг воқеалари шу гўзал қиз билан боғлиқ, яъни унинг атрофида кечади. «Унинг Норгулой деган қизи фалакнинг ёрқин юлдузи, ойни уялтирган юзи, Шукуралибойнинг кўзи, кўзи эмас юрак дўзи бор эди. Норгулой ҳам ўн еттидан ошган, ўн саккизга етишган, икки муҳаббат гиёси, кўкдан ўсган, бошига зардўзи қалпоқ кийган, қалпоқнинг айланасига тиллодан қўнғироқ таққан, юзига одам қараб туролмас, қараганда ҳам қуёшми, Норгулми билиб бўлмас, Норгул эшикка чиқса сўфитўрғай, ғазалайлар олдидан кетолмас, какликлар ҳам сайраб бўлар эди маст. Бошида ҳарир рўмоли, ўнг бетида бор эди холи, ўзи кўкракдор, химча эди бели, оёқда зорланиб ташланган, ичи майинлашган, ҳар қадам босганда ковушдан чиқар эди чанқовузнинг товуши. Норгулнинг ўзи ҳам соз чалишга уста эди. У чанқовуз чалганда булбуллар сайраб, туялар юрмай қотиб, қўйлар маърашиб, чўпонлар ингиллашиб, кичкина болалар бирдан қолар эди ухлашиб. Ўзи ҳам ийналари қилдор, билаклари нордай, юраклари шердай қиз бўлиб етишган эди». Айни шу портрет эгаси Норгулойга бошқа достонлардаги каби бир киши эмас, бир қанча йигит ошиқ. Шулар сафига икки ўранинг ўғриси Султоқ ҳам келиб қўшилади. Ўғирлаш учун мол излаб юрганда, аллақандай чанқовузнинг куйи юрагини эзиб, кўнглини бузиб юборади. Чўпондан:

***Осмонимда юлдузим йўқ, ойим йўқ,***
***Ҳеч бир ерда турадиган жойим йўқ,***
***Куйга мастман китобингга райим йўқ,***
***Меҳрибон бўл, чанқовузни ким чалди,*** –

деб сўраб, чанқовуз сеҳрли садолари орқали Норгулойга ошиқ бўлиб, чўпонлар сафига қўшилади. Кучли, бақувват бўлганидан Шукуралибойга Шерданбой чўпонларидан молини олиб беради ва обрўйи ошади. Ҳамма чўпон қизга ошиқ. У кимга насиб қилади? Доно чўпоннинг маслаҳати билан чўпонлар йиғилиб, ҳар бири Норгулойни таърифлайди. Олти чўпон ҳар бири ўзининг кузатиши, билими, иқтидоридан келиб чиқиб, қизни мадҳ этишга киришадилар. Шу айтишувнинг ўзи достончилик кечасини, достон куйлаш анъанасини эслатади. Дастлаб навбат Назар чўпонга тегиб, анъанавий ҳолда дўмбирани қўлга олиб Норгулойга бўлган муҳаббатини куйлайди.

***Дўмбирам куйла хил билан,***
***Бир майдон келиш тил билан,***
***Ўйнаблар кулсам армон йўқ,***
***Норгулойдайин гул билан.***

Ана шу тарзда Ражаб чўпон Норгулойнинг ўтов тикишини, Холиёр чўпон соз чалишини, Ғулом чўпон сайлда юришини, Эргаш чўпон дўмбиракашлигини ва ниҳоят Султоқ қадди камоли, кийинишини, зебу зийнатларини таърифлайди. Ғулом чўпон: «Мен уларни ҳайитлаб юришини «Ойпари» деб айтиб юраман», деб айта бошлайди.

***Асовлиги тойдай бўб,***
***Ювошлиги қўйдай бўб,***
***Кўзлари юлдуз бўлса,***
***Ўзи тўлган ойдай бўб,***
***Кетаётир Ойпари,***
***Ҳамма қизлардан илгари.***

Навбат Султоққа келганда Норгулой қиёфаси, сиймоси бор гўзаллиги билан намоён бўлади. «Келиной, келиной, дейишади, кўрганнинг ақли шошади», – деб бошланган таъриф соч, кокил, зулф, киприк, қийиқ кўз, қош, манглай, тиш, оғиз, лаб, юз, кулгич, хол, кўкрак, болдир ва оёқдаги бармоқларга кўчади. Иккинчи босқичда бошдаги рўмол, зар қалпоқ, олтин сирға, бўйиндаги мунчоқ, ҳаномат, очилган ёқа, билак узук, ўн бармоқдаги ўн икки узук, куйлак, пошнали ковуш, ковушдаги қўнғироқ, куёв мунчоқ, қўлдаги соз(чанқовуз, дўмбира, доира), белдаги камар тавсиф қилинади. Учинчи ҳолда ўтириши, юриши, нозу карашмаси баён қилинади. Шундай гўзалнинг жамоли ҳаммани қийнайди. Жумладан, бойнинг олтита чўпонини ҳам. Улар бахшилар беллашувида Норгулойни таърифлар экан, халқ номидан тингловчи, баҳоловчи бўлиб қатнашаётган Доно чўпоннинг баҳосига кўра Султоқни ғолиб сифатида тан олишади ва Норгулой Султоққа ҳар жиҳатдан муносиб деб топилади.

«Келиной»нинг бошқа вариантларидан фарқли тарзда Қодир бахши достон конфликтини шу нуқтадан кучайтиради. Достонлардаги анъанавий ўринларга мурожаат қилиб, Норгулойнинг жамолини яқиндан кўриб ҳушсизланиши, Норгулой унга курашда йиқитса тегиш шартини айтиши ва кураш мотивларини қўшади. Шукуралибойнинг узоқдан келган ошиқларга қизини беришга рози бўлмаслиги ҳам «Авазхон» ва «Нурали» туркум достонларида кўп учрайди. Айнан шу эпик қаҳрамонлар қизни олиб қочганда, қизнинг отаси ўз қўшини билан ёшларни таъқиб этади. «Норгулой»да эса кўчиб кетган қизи ва Султоқни Шукуралибой излаб топиб, Доно чўпон, Хидиралибой каби оқсоқолларнинг таклифи, маслаҳати билан тўйга розилик беради. Қодир бахши воқеаларни шу ўринда тўхтатса, эпик қаҳрамон Султоқни қаҳрамонлик кўрсатмай, қийинчиликсиз ёрга етишувини англаб қолади. Бу эса эпик анъанага тўғри келмас эди. Шу боис ёрга етишдим деб келаётган Султоқ қаршисида Норгулойга совчи қўйган Эрматбойнинг бир гуруҳ одамлари томонидан ҳийла билан қўлга олинади. Душманлар Султоқнинг оёқ-қўлини боғлаб, бошига қамчи уриб кетаётганда, Султоқ нола қилиб, жонли-жонсиз мавжудотлар билан ўз дардини, аламини айтиб хайрлашади.

Достончилик анъанасига кўра душманлар мақсадларига етиша олмайди. Сўнгги воқеалар тўй тасвири билан якунланади. Қодир бахши шу тарзда эпик анъаналардан бадиҳа йўли билан фойдаланиб, «Келиной» ҳақидаги қўшиқларни яхлитлаштирган ҳолда достон шаклига келтиради.

Бахшининг хизмати халқ орасида мавжуд мотивларни эпик ўринларни яхлит композиция ва сюжет чизиғида жамлай олиш, шу жараёнга ўз улушини қўша олишидадир.

**Насим ОЧИЛОВ,**
**Қарши Давлат университети ўқитувчиси**

***«Телефильм» атамасини эшитганимизда ўн-ўн беш дақиқа давом этадиган, кўпинча ахборот характерига эга фильмларни тасаввур қиламиз. Аммо Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студиясида мустақиллик йилларида яратилган бадиий, мусиқий, ҳужжатли илмий-оммабоп фильмларни назардан кечирсак, бу санъат асарлари маънавиятимиз, санъатимизнинг салмоқли қисмини ташкил қилганини ҳис этамиз.***

## КИЧИК ҲАЖМДАГИ КАТТА МАЗМУН

«Ўзбектелефильм»да яратилган санъат асарлари ойлиги муносабати билан истиқлол йиллари томошабинлар диққатига ҳавола этилган фильмлар номи йилма-йил қайд қилинган китобчани варақлаб, хаёлимдан шу фикр ўтди.

Мустақилликнинг биринчи йили 20 та бадиий, 8 та мусиқий, 26 та ҳужжатли илмий-оммабоп фильм яратилган бўлса, 1997 йилга келиб 5 та бадиий фильм, 2 та фильмспектакл, 47 та ҳужжатли илмий-оммабоп фильмлар яратилган. Бунга қўшимча равишда АҚШ, Италия, Франция, Ҳиндистон, Туркия каби давлатларнинг 18 та фильми ўзбекчага таржима қилинган. Рақамлардаги ўсиш озодликнинг санъатдаги имкониятларини аниқ намоён этади.

Аслини олганда, гап фақат саноқда эмас, сифат ўзгаришларида. Истиқлолнинг дастлабки йилларида «Телефильм» маҳсулотлари рус тилида яратилган. Мавзулари анча тор. Кўпроқ ҳофиз, раққосаларга аталган фильм-концертлар номига кўзимиз тушади.

«Алишер Навоий» (Сценарий муаллифи: А.Қаюмов, Р.Солиқова), «Ҳамид Сулаймон» (Муаллиф: Ф.Аминов, режиссёр Г.Бабаев), «Чўлпон» (Муаллиф: О.Шарофиддинов, режиссёр Б.Аҳмедов) номли улуғ аждодларимизга бағишланган ҳужжатли фильмлар бармоқ билан санарли бўлса-да, узоқ йиллар қатағон қилинган ёки шахс сифатида тўлалигича намоён қилишга имкон берилмаган азизларимизнинг кино санъатимизга кириб келгани биз учун катта воқеа эди.

Телефильмлар рўйхатига назар ташласак, «Соҳибқирон руҳини шод этиб» (Муаллиф ва режиссёр Т.Аҳмадхўжаев), «Абдухолиқ Ғиждувоний» (Муаллиф: Ориф Усмон, режиссёр С.Аҳмадхўжаев) каби ҳужжатли фильмлар кўпайганига амин бўламиз.

Тарихдан, табиат, жуғрофиядан билим берувчи, инсон тафаккури, тасаввурини кенгайтирувчи телефильмларнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан юксала боргани, айниқса, ёқимли. «ЎзДЭУ Асака» (Муаллиф: В.Миразимов, режиссёр ва тасвирчи А.Умарбеков), «Нурота», «Буюк Ипак йўли», (Муаллиф ва тасвирчи Р.Исломов) каби ҳужжатли фильмлар фикримиз далилидир.

Санъат - аслида ижодкор тафаккури, тасаввуридан ўтган ҳаёт кўзгуси. «Ўзбектелефильм»да яратилаётган ҳужжатли фильмлар юртимиздаги ўзгаришлар янгиликлар кўзгусига айлана борганлигини биз «Қимматбаҳо қоғозлар», «Ўзбекистон олтини» каби телефильмларда кўрамиз.

Телефильмда кичик бир чизги ҳам катта маъно-мазмунга эга. Шу маънода 2001 йилда 3 та бадиий, 6 та мусиқий, 59 та ҳужжатли илмий-оммабоп фильмлар, 4 та клиппроликлар яратилгани, 25 та хориж фильмларининг дубляж қилинганига эътибор қилсак, «Ўзбектелефильм» ижодкорлари салмоқли ижод қилаётганига амин бўлиш мумкин.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**

## «ЎЗБЕКРАҚС» ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Мамлакатимизда пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган айни кунларда Мукаррам Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси санъаткорлари пахтакорларга фаол маданий хизмат кўрсатмоқда.

- Теримчи ва ҳашарчиларга маданий хизмат кўрсатишни Тошкент вилоят маданият ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этдик, - дейди бирлашма бош директори, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Юлдуз Исматова. - Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ иш юритяпмиз. «Баҳор» рақс ансамбли, «Тановар» рақс театри, «Лазги», «Етти гўзал» ансамбллари махсус дастур билан Юқори Чирчиқ, Пскент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Бўка туманлари хўжаликлари пахтакорлари ҳузурида бўлиб, ўз санъатларини намойиш этди.

Ўзбекистон халқ артистлари Гулсара Ёқубова, Феруза Солиҳова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Наима Юсупова, Дилором Мирзаева, Елена Тўхтаева, Отамурод Бекчонов каби санъаткорлар ижросидаги жозибали рақс ва дилрабо қўшиқлар мухлисларга жуда манзур бўлди.

## ЕВРОПА МУСИҚАСИ САМАРҚАНДДА

Буюк Британиянинг дунёга машҳур «ALLEGRI» мусиқий гуруҳи ташкил этилганига эллик йил тўлди. Гуруҳ ўзининг юбилей концертини ўзбекистонлик мухлисларига туҳфа этди.

Регистон майдонига тўпланган мусиқа шинавандалари «ALLEGRI» квартети ижросида янграган жаҳон мумтоз мусиқаси оҳангларидан баҳраманд бўлди.

- Ушбу концерт Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан уюштирилди,- дейди элчихона котиби Данел Грзенда. - «ALLEGRI»нинг ярим асрлик тўйи Ўзбекистонда нишонланаётгани бежиз эмас. Чунки давлатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Қолаверса, муқаддас рамазон кунларида дастуримиз ўзбек мухлисларига манзур бўлаётганидан хурсандмиз.

**(ЎзА)**

Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бир-биридан фидойи, изланувчан, билимдон ўқитувчилар талайгина.

Улардан бири информатика ва ЭҲМ фани ўқитувчиси Гулнора Эшмуродовадир. Унинг дарс ўтиш услуби ва маҳорати ўзига хос бўлиб, ҳар бир ўқувчида яхши таассурот қолдирмоқда.

***Суратларда: тажрибали ўқитувчи Гулнора Эшмуродова машғулот пайтида.***

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат**



# ИСТЕЪДОДЛАР

## ҳар ерда керак

***Ҳозир мухлислар нафақат ички чемпионат ўйинларини, балки халқаро мусобақаларни ҳам катта қизиқиш билан кузатмоқдалар. Сабаби аниқ: ҳадемай Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги бошланади. Унда Ўзбекистон тарихида илк бор вакилларимиз иштирок этишади.***



Албатта, Аргентина ва Испания каби футбол мамлакатидан ташриф этадиган тенгқурлар билан тенгма-тенг тўп суришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун пухта тайёргарлик кўриш тақозо этилади. Шу мақсадда Виктор Борисов шогирдлари айни кунларда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ташкиллаштирилган Афро-Осиё ўйинларида қатнашмоқдалар. Ёшларимиз гуруҳ баҳсларида аввал Эрон (1:0. Гол муаллифи Марат Бикмаев), сўнг Буркина Фасо (1:0. Гол муаллифи Крушельницкий) устидан ғалаба қозониб, муддатидан илгари ярим финалга йўлланма олдилар. Учинчи ўйин Зимбабве терма жамоаси билан бўлиб ўтди ва унда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Ёшларимиз ярим финалда Африка қитъасининг яна бир вакили - Руанда билан куч синашиб, 2:1 ҳисобида зафар қучди. Вакилларимиз бугун финалда майдон эгаларига қарши майдонга чиқадилар.

Тошкентда ёшлар ўртасида 34-Осиё чемпионатининг 6-гуруҳ, ўсмирлар ўртасида 12-Осиё чемпионатининг 7-гуруҳ мусобақалари ўтаётган бир паллада гапни олис Ҳайдаробод стадионларидан бошлаганимиз бежиз эмас. Айтиш мумкинки, шу кунларда «Пахтакор» клуби аъзоси, иқтидорли ҳужумчи Марат Бикмаев учун ниҳоятда оғир. Агар эътибор қилган бўлсангиз, у кечагина Ҳиндистонда эди, бугун Тошкентга келиб Осиё чемпионати гуруҳ баҳсларида ғолиблик учун курашаётган Ўзбекистон ёшлар термаси сафига қўшилди. Яна бир ҳафтадан сўнг эса мамлакатимиз пойтахтида бошланадиган яна бир нуфузли мусобақа - Осиё чемпионати саралаш ўйинлари гуруҳ баҳсларида Равшан Ҳайдаров етакчилик қилаётган миллий терма жамоа таркибида яна майдонга тушиши кутилмоқда.

Халқимизда «оёғи ер искамайди», деган ибора бор. Бугун у айнан Марат Бикмаевга қарата айтилгандек таассурот уйғотади. Истеъдод соҳиби бўлиш нақадар яхши ва табиийки, катта масъулият ҳам юклайди. Таъкидлаш мумкинки, ҳозирча Марат зиммасига юклатилган вазифани уддаламоқда. Ҳайдарободда эронлик тенгқурлари дарвозасини ишғол қилиб муҳим ғалабага муносиб ҳисса қўшган эди. Тошкентда ҳам анъанасига содиқ қолди. Шри-Ланка билан бўлган учрашувда истеъдодли ҳужумчи яна ўз сўзини айтди. Шу куни Рауф Инилеев етакчилик қилаётган термамиз 3:0 ҳисобида ғалаба нашидасини сурди. Энди жамоамиз 2 ноябрда Бутан ёшлари билан учрашади.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳс ҳам вакилларимизнинг ғалабаси билан бошланди. Улар Шри-Ланка ўсмирлар терма жамоасини 4:1 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги даврага чиқиш учун муҳим қадамни қўйдилар.

***Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиги, истеъдодли мусаввир Маннон Саидов ҳаёт бўлганида ҳозир саксон ёшга тўларди.***

*Хотира уйғонса гўзалдир*

# ТАСВИР УСТАСИ

Маннон Саидов пойтахтимиздаги Бадиий билим юрти ҳамда Санкт-Петербургдаги И.Репин номли рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтини тамомлаб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети бадиий графика факультети талабаларига бир неча йил дарс берди. Сўнгра умрининг охиригача (қирқ йил) ҳозирги Санъат институтида оддий муаллимдан профессор лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Маннон Саидов юксак маҳоратли мураббий-устоз ва етук рангтасвир устаси эди. Тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрларида ижод қиларди. Манзара, натюрморт дейсизми ёки ғоявий мазмунга эга бўлган асарлар, портретми - барча-барчасида юқори савияли асарлар яратган. Асарлари ҳаётийлиги билан санъат мухлислари қалб тўридан жой эгаллаган. У тарихий мавзуда ҳам самарали ижод қилди. «Астробод йўлларида» тарихий асарлари улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳаётига бағишланган. Унда улуғ Навоий ҳақида халқ афсоналарида тилга олинган воқеалар акс этган. Ҳиротни тарк этиб, севгилиси Гулини олиб, Астробод ҳокимлигига кетаётганларида қаттиқ бўрон эсади. Карвон бир нафас Амударё бўйида қўнишга мажбур бўлади. Гули Ҳусайн Бойқаро ҳарамида пайтида секин таъсир этадиган заҳар ичганди. Дарди оғирлашиб йўлда Навоийнинг қўлида жон беради. Гулининг ўлими бир умр ҳазрат Навоийни изтиробда қолдиради. Ҳар баҳорда уни эслайди.

***Куй, ғазал, оҳ қайтадан тирнар ярамни,***
***Тағин эслатди у, машъум ҳарамни...***

деб, Гулининг васиятларини ёдига олади.

Мусаввир Гулини туя устига ўрнатилган соябонда акс эттирган. Навоий, карвонбоши ва бир қанча одамлар қиёфаси ҳаётий ифодага эгалиги билан томошабинни ҳайратга солади.

Замонавий санъат марказида кўргазмага қўйилган юзлаб рангтасвирлар орасидан «Ишчи Муҳиддинов портрети», «Бемор қиз», «Аския», «Оила» асарлари ҳам ўрин олган.

Кўргазмага юздан зиёд суратлар, хомаки тасвирлар, айрим чизгилар ҳам қўйилган. Маннон Саидов ҳамиша «Йирик ишларимга нисбатан ушоқ, машқий изланишларимни яхши кўраман. Менинг учун шулар доим азиз, доим ҳамроҳим ва вафодорларимдир», дерди.

У яратган асарлар ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Асли шаҳарлик бўлса-да, қишлоқ одамлари турмуши унинг асарларида кенг акс этган. Чунки мусаввир деҳқон, соҳибкор, ишчи, пахтакор меҳнатини ниҳоятда улуғларди. Халқимиз ризқ-рўзи ер билан боғлиқлигини чуқур ҳис этарди. Ерга меҳр қўйишда катта ҳикмат борлигини доимо таъкидларди.

Маннон Саидов ҳар сафар пахта даласида бўлганида деҳқон меҳнатининг машаққатини теран англарди. Шу тариқа юзага келган «Мураккаб пахта даври» (1967 й) рангтасвири фикримиз далили бўла олади. Тасвирда пахтакор-деҳқон терган пахтасини қоплаб эшак аравасида хирмонга олиб келаяпти. Шўрлик эшаги ҳам чарчаб аравани аранг тортиб келмоқда... «Пахта», «Пахтакорлар», «Пахтакор қизлар», «Дугоналар», «Бригадир», «Колхозчи», «Дала шийпонида», «Чаноқ» туркум асарлари ҳам пахтакорлар ҳаётига бағишланган. Мусаввир ўз халқи дарди билан ҳамнафас яшаган, меҳнати қадрига етган, дуосини олган тасвир усталаридан эди.

**Маҳмуд Рамазон АҲМАДИЙ,**
**санъатшунос**

## БОННЛИК ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИМИЗ

Германия-Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси Дакмар Херман бошчилигидаги немис мактаблари ва Бетховен номидаги гимназия ўқувчилари Бухородаги немис тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган 4-мактаб ўқувчиларининг меҳмонлари бўлишди.

4-мактаб ва Бетховен номли гимназия ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик ҳақидаги битимга биноан, бундан бир ой муқаддам бухоролик ўн нафар ўқувчи германиялик дўстлариникида меҳмон бўлишган эди. Энди жавоб ташрифи билан келган немис болалари ўзбекистонлик тенгдошларининг ҳаёти, оилалари, мактаблари билан танишишди. Мактаб фольклор жамоасининг чиқишларини зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Шунингдек, Бухоронинг қадимий осори атиқалари, тарихий-меъморий обидалари билан танишдилар.

– Бундай ташрифлар ўқувчиларимизнинг немис тили оғзаки нутқини ривожланишига катта ёрдам беради, - деди Бухоро шаҳар 4-мактаб директори Мунира Низомова. – Яқинда Бонндан мактабимизда дарс бериш учун немис тили муаллими келади, келаси йилнинг баҳорида эса икки нафар математика ўқитувчиларининг келиши кутилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

*Турфа олам*

# «ҚОРА ҚИТЪА»НИНГ ҚОРА ОЛТИНИ

Шу вақтгача нефт заҳиралари Осиё қитъасида энг кўп ҳисобланарди. Жаҳоннинг нефтга эҳтиёжини ҳам асосан Форс кўрфази минтақасидаги нефт заҳиралари қондириб келарди. Бироқ нефт қазиб олиш бўйича Африка қитъасининг салоҳияти ҳам Осиёдан қолишмас экан.

Яқинда «Шеврон Тексако» компаниясининг бош бошқарувчиси Жеф Шеллебаргер Африка қитъаси соҳилларида жаҳондаги энг йирик нефт кони топилганини маълум қилди. Компания Африка мамлакатларининг нефт қазиб олиш бўйича дунёдаги улуши 2010 йилга бориб, 20 фоизга чиқишини башорат қилмоқда.

Ўтган йили қитъанинг нефт қазиб олиш бўйича ҳиссаси 11 фоизни ташкил этди. Нигерия биринчи, Ангола иккинчи ўринда бормоқда. Умуман, Нигерия дунёдаги энг кўп нефт экспорт қилувчи мамлакатлар орасида еттинчи ўринда туради.

Яқинда «Тотал» ва «Шел» компаниялари Нигерияда нефт қазиб олиш миқдорини икки баробарга ошириш режаси борлигини маълум қилди. Айни пайтда бу ердан кунига 2,2 миллион баррел «қора олтин» қазиб олинмоқда. Ангола эса 2008 йилга бориб, кунлик кўрсаткични 3 миллион баррелдан оширишни мўлжалламоқда.

Қитъанинг нефт экспорт қилиш салоҳияти хорижий сармоядорлар эътиборини тобора кўп жалб этаётир. Дунёдаги энг йирик беш нефт компанияси қитъага сармоя киритишни кескин оширишга киришган.

— Африка биз учун жуда муҳим ва табиийки, биз қитъадаги фаолиятимизни яқин беш йил давомида жадаллаштирамиз, — дейди «Шел» компаниясининг Африка мамлакатлари бўйича вице-президенти Эбби Хаан. Унинг «Экссон Мобил»даги ҳамкасби Кеннет Эванс эса ўз компаниясининг Африкада амалга ошириладиган лойиҳаси 30 миллиард АҚШ долларига тенглигини маълум қилди.

Африка ҳудудининг кўп қисми ҳали етарлича ўрганилмаган. Қидирув яхши давом эттирилса, дунёда нефт экспорт қилувчи мамлакатлар сони кескин ошиши шубҳасиз. Чунки «Қора қитъа» замини ҳали кўп табиий бойликларини яшириб ётибди. Бу бойликлар қитъа халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши керак.

**(ЎзА)**

«Таштекстиль» АЖ таркибидаги «Текстильщик» стадионининг 2028570477 рақамли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9060 Буюртма Г— 916. 1 2 3 4 5